2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

38 (588)

2007 йил 19 сентябрь

Чоршанба

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Мақтансак, арзийдиган ишларимиз кўп!
▶ Халқаро журналистика нима?

3
▶ Ўрол оқсоқол омон бўлсин-да...
▶ Бир биноки, ғиштию шифти фақат қоғоздан...

4
▶ «Подачилар пири» Занги отадир...
▶ «Бухоро гилам»нинг британиялик ҳамкори

саҳифада

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови унинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилиши белгиланганлигини инобатга олиб, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Жорий йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси — 2007 йил 23 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси 2007 йилнинг 21 сентябридан бошланиши эълон қилинсин.

3. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг тартиби, босқичлари ва муддатлари ҳақидаги ахборотни сайловчилар, сиёсий партияларга белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан етказиш таъминлансин.

4. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М.АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 18 сентябрь

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

### Тошкентда 18 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

**Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва бу ҳақда қарор қабул қилинди.**

**Мажлисда, шунингдек, сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга доир тадбирлар календарь режаси тасдиқланди.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.**

* * *

Шу куни Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишининг эълон қилиниши муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ 2007 йил 23 декабрь — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгиланганини ва 2007 йилнинг 21 сентябридан сайлов кампанияси бошланиши тўғрисида қарор қабул қилганини маълум қилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга қатъий амал қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режасини тасдиқлаганини қайд этди. Хусусан, сайлов округлари рўйхатлари сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ҳолда 9 октябргача матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов округлари Марказий сайлов комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилади. Округ сайлов комиссиялари 14 октябргача, участка сайлов комиссиялари эса 13 ноябргача тузилади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасига биноан сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин. Қонунда белгиланганидек, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш учун камида уч юз нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Президентликка номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари йиғилиши томонидан амалга оширилади. Қонуннинг юқорида қайд этилган моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганида бошланади ва 45 кун қолганида тугайди. Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан, яъни 18 ноябрдан бошланади.

Бунда, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларига сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Бундан ташқари, Қонуннинг ушбу моддасида кўрсатилганидек, Президентликка номзодларга сайловчилар билан йиғилишлар ҳамда улар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчиларга олдиндан хабар қилинади.

Матбуот анжумани қатнашчиларига "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, Президентликка номзодларни кўрсатиш бўйича йиғилишларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Президентликка ўз номзодини кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга эканлиги маълум қилинди.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси кузатувчиларни рўйхатга олишни таъминлайди ва уларнинг фаолияти учун зарур шароит яратади.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига эркин, адолатли ва демократик сайловнинг қонун доирасида, очиқ, ошкора ва холисона ўтказилишини, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини амалга оширишлари учун барча зарур шарт-шароит яратилишини таъминлайди. Сайлов комиссиялари Президент сайловига пухта тайёргарлик кўриш ва уни очиқ ҳамда ошкора ўтказилишини амалга оширади.

Матбуот конференциясида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

**(ЎзА)**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида

*Аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини муттасил ўстириб бориш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишни давом эттириш, кексалар тўғрисидаги ғамхўрликни ҳар томонлама кучайтириш, уларнинг пенсиялари миқдорини ошириш, шунингдек пенсия таъминоти тизимини изчиллик билан такомиллаштириб бориш мақсадида:*

1. 2007 йилнинг 1 октябридан пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори энг кам иш ҳақи миқдорининг етти каррасидан саккиз каррасигача миқдорга оширилсин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари, шунингдек, зарур ҳолларда, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги пенсияни ҳисоблашда қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори оширилишини ҳисобга олган ҳолда пенсияларнинг миқдорлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунга ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартишларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тасдиқлаш учун киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 17 сентябрь

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ПЕНСИОНЕРЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ БОРАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА" ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

***Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини изчил ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда ошириб боришга, аҳолининг муҳтож қатламлари — пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексаларнинг аниқ ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш ғоят муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда.***

Кейинги йилларда эришилган юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляциянинг пастлиги мана шу кенг миқёсли ижтимоий вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш учун ишончли негиз яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан стратегик муҳим вазифа — ҳар уч йилда аҳоли даромадлари ва иш ҳақининг ўрта ҳисобда 2-2,5 баравар оширилишини таъминлаш, яқин йиллардаёқ ўз аҳолиси даромадлари ва фаровонлигининг юксак стандартларини таъминлаётган мамлакатлар даражасига кўтариш вазифаси қўйилган.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тизимида пенсионерлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларнинг турмуш шароити ва сифатини яхшилаш муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимининг қонунчилик базаси ва механизмлари муттасил такомиллаштириб борилмоқда — 2002 йилдан бошлаб мамлакатда пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган меҳнат стажи давоматини чеклаш бекор қилинган, 2005 йилдан бошлаб эса пенсия маблағларини фуқароларнинг жамғарма ҳисобварақларида якка тартибда жамғариш тамойилларига асосланган пенсия тизимининг янги қўшимча механизми жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган "Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон давлатимизда пенсия ёшига етган деярли 3 миллион фуқаро даромадларининг асосий манбаи — пенсияларни янада кўпайтиришни таъминлаш бўйича аниқ-равшан вазифаларни амалга оширишдаги муҳим босқич ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 октябрдан жорий этиладиган ушбу Фармонининг муҳим хусусияти шундаки, пенсияни ошириш пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган даромадларнинг чекланган миқдорларини энг кам иш ҳақи миқдорининг **етти каррасидан саккиз каррасигача миқдорга** ошириш ҳисобидан таъминланади.

Бунинг боиси шуки, кейинги йилларда ўртача ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақига нисбатан илдам суръатлар билан ортиб бормоқда, пенсия ёшига етган шахслар орасида эса меҳнат даромадлари юқорироқ бўлган ходимлар улуши тобора кўпаймоқда.

Давоми 2-саҳифада

Спорт

## АБДУЛЛА ПОЛВОН ШОҲСУПАДА

***Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида дзюдо бўйича йигирма бешинчи маротаба ўтказилган жаҳон чемпионатида дунёнинг энг кучли дзюдочилари қаторида ўзбекистонлик полвонлар ҳам ғолиблик учун гиламга чиқди.***

Мутлақ вазн тоифасида таниқли полвонимиз Абдулла Тангриев шоҳсупанинг учинчи поғонасини эгаллади ва жаҳон чемпионатининг бронза медали билан тақдирланди.

Эслатиб ўтамиз, Осиёнинг энг кучли дзюдочиларидан ҳисобланган Абдулла Тангриев дзюдо бўйича қитъа чемпионати, жаҳон универсиадаси ва қатор халқаро мусобақалар ғолиби бўлишдан ташқари, ўзбек кураши бўйича ҳам жаҳон чемпионидир.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.**

## ТОШКЕНТДА АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО ПАХТА ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

### Шу кунларда бутун дунё пахта саноати вакилларининг нигоҳи Ўзбекистонга қаратилган, дейиш мумкин. Пойтахтимизда учинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси иш бошлади.

***Ушбу анъанавий ярмарка Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси ҳамда «Cotton Outlook» журнали, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Сифат» пахта толасини сертификатлаш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

Ярмаркада 34 мамлакатнинг 250 компаниясидан 450 вакил иштирок этмоқда. Таъкидлаш жоизки, иштирокчилар сонининг 2006 йилдагига нисбатан қарийб икки баравар кўпайгани Ўзбекистон пахта ярмаркасининг нуфузи ошиб, қамрови кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Жаҳонда пахта етиштириш бўйича олтинчи, экспорт қилиш борасида иккинчи ўринда турадиган Ўзбекистонда истиқлол йилларида пахтачиликда туб таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Бунда пахтадан сифатли тола олишнинг янги технологияларини ривожлантиришга, бундай хомашёнинг савдосига бозор иқтисодиёти тамойиллари ва механизмларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор берилди. Натижада жаҳон бозорида Ўзбекистон пахта толасининг мавқеи ва рақобатбардошлиги кескин ошди.

Бозор иқтисодиёти Ўзбекистон селекционерлари олдига халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда янги навлар яратиш шартини қўйди. Бугун мамлакатимизда асосан тезпишар, толаси узун ва пишиқ, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга бардошли пахта навлари мавжуд.

Миллий сертификатлаштириш тизими ҳам туб ўзгаришларни бошдан кечирди. Пахта толаси сифатини белгилашнинг жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган HVI кўрсаткичлари тизимига ўтилди. «Сифат» маркази пахта сифати ва ҳар бир той толанинг вазнини назорат қилиш имконига эга кўп тармоқли лабораториялар билан жиҳозланди.

Пахтани экспорт қилиш жараёнининг қандай бўлиши кўп жиҳатдан пахта терминаллари, транспорт инфратузилмаси ва логистика тизимининг қандай ташкил этилганига боғлиқдир. Бу хусусда Ўзбекистонда жами 400 минг тонна пахта толасини сақлаш имкониятига эга йигирмадан зиёд ихтисослаштирилган пахта терминали фаолият кўрсатаётганини таъкидлаш лозим. Шунингдек, Ўзбекистон пахтасини ташқи бозорларга етказиб бериш йўналишларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш мақсадида энг самарали ва қулай йўналишларни ишлаб чиқиш давом этмоқда.



Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2005 йилда илк бор ташкил этилган ушбу ярмарка мамлакатимизда пахта етиштириш, қайта ишлаш, ташиш ва сотиш борасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги босқичи тамал тошини қўйди. Иштирокчиларнинг бундай тадбирни мунтазам ўтказиш борасидаги таклиф-истакларини инобатга олган ҳолда, ярмарка анъанавий пахта форумига айлантирилди. Ушбу анжуман нафақат Ўзбекистоннинг тегишли ташкилотлари билан турли давлатлардаги йирик тўқимачилик компаниялари ва етакчи трейдерлар ўртасида, балки пахта етиштириш, қайта ишлаш, сотиш, ташиш билан шуғулланувчи кўплаб мамлакатлар, фирма ва компанияларнинг ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Айтиш мумкинки, мазкур ярмарка Ўзбекистонда пахтачиликни ҳар томонлама такомиллаштириш, тола сифатини ошириш, маркетинг тадқиқотларини кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишларни мантиқий якунига етказувчи босқичдир. Ўзбекистон пахтасининг харидоргирлиги ошишида унинг юксак сифати нечоғли муҳим аҳамият касб этса, ярмарканинг ташкил этилиши ҳам шу қадар муҳим. 2006 йилги ярмаркада 1,7 миллион тонна пахта толасини сотиш юзасидан шартномалар имзоланган Ўзбекистон пахтасининг сифатига билдирилган юксак ишонч ва эътирофдан яна бир далолатдир. Зеро, йирик фирма ва компаниялар, трейдерлар пахта толасининг сифатига тўла ишонч ҳосил қилмай туриб, савдо операцияларини амалга оширмайди. Бу галги ярмаркада ҳам шартномалар салмоғи катта бўлиши кутилмоқда.

III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси қатнашчилари «Ўзэкспомарказ» кўргазма павильонларида пахта толасининг ранг-баранг намуналари билан яқиндан танишдилар. Бу ерда пахта сифатини баҳолаш ва танланган товарни сотиб олиш бўйича шартнома тузиш имконияти яратилган. Айни пайтда ярмарка иштирокчилари Ўзбекистон товар-хомашё биржасининг савдоларида қатнашиб, пахта толасини сотиб олиш имкониятига эга.

Ярмарка иштирокчиларининг салмоқли қисмини тўқимачилик саноати жадал ривожланаётган мамлакатлар, айниқса, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Корея Республикаси, Эрон, Туркия, Бангладеш, Покистон вакиллари ташкил қилади. Ушбу мамлакатлардан келаётган иштирокчилар сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

Ярмарканинг биринчи иш куни қизғин музокараларга бой бўлди. Хитой, Бангладеш, Россия, Покистон, Эрон, Туркия вакиллари билан мулоқотлар ўтказилди.

— Ўзбекистоннинг пахта толаси сифат жиҳатдан юксак марраларни эгалламоқда, — дейди Туркиянинг Mumcular sanayi ve ticaret компанияси бошқаруви раиси Усмон Зенгер. — Уни мақбул нарх ва ҳажмда харид қилишда анъанавий Тошкент халқаро пахта ярмаркаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз ярмаркада самарали музокаралар ўтказиб, ҳар ойда камида минг тоннадан тола сотиб олишни кўзлаб шартномалар тузишга аҳд қилдик.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Анвар БОБОЕВ, ЎзА мухбири.**

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

**— Яна нима дейсиз?**

**— Эшитдингизми, пенсиямизнинг миқдори ошадиган бўлибди...**

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайеурган афзал.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ПЕНСИОНЕРЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ БОРАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА” ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

*(Давоми. Аввали 1-саҳифада)*

Мазкур норманинг жорий этилиши шу йилнинг 1 октябриданоқ пенсияга чиққунга қадар нисбатан юқори иш ҳақи олган пенсионерларнинг талайгина тоифаси учун пенсиялар миқдорини анча кўтариш, уларнинг моддий фаровонлигини ошириш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг кўпроқ ҳақ тўланадиган унумли меҳнатдан, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва ислоҳ қилишда фаолроқ иштирок этишдан манфаатдорлигини кучайтириш имконини беради.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2007 йилнинг 1 октябридан кейин пенсияга чиқадиган фуқароларгагина эмас, **балки, биринчи навбатда, ҳозирги кунда пенсияда бўлган фуқароларга ҳам таллуқлидир.** Шу муносабат билан, ижтимоий таъминот органлари томонидан пенсияни тайинлашда ўртача иш ҳақи энг кам иш ҳақининг етти баравари миқдоридан ортиқ бўлган шахсларнинг илгари тайинланган барча пенсиялари қайта кўриб чиқилади, пенсиялар янги нормативдан келиб чиққан ҳолда оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида ижроия ҳокимият органларига пенсияларнинг миқдорлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини ҳамда уларнинг жорий йилнинг октябридаёқ оширилган миқдорда тўланишини таъминлаш юзасидан аниқ топшириқлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари, зарур ҳолларда эса Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2007 йилнинг ўзидагина 20 миллиард сўмдан ортиқ, 2008 йилда эса 100 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилади.

Ифтихор

Наманган вилояти

# ТАДРИЖИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ — БИЗ ТАНЛАГАН ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛ

***Юртимиз истиқлолга эришганидан буён орадан 16 йил вақт ўтди. Бошқача айтганда, Мустақил Ўзбекистон бугун 16 ёшда. Хўш, бу эътироф нимани англатади, нималарни ёдга солади-ю, нималарни ҳис қилишга ундайди? Ана шу қисқа ва шиддатли кечган даврда нималарга эришдик? Умуман, истиқлол бизга нима берди?***

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасини ўқиган ёхуд тинглаган юртдошларимиз ушбу саволларга батафсил жавоб топади.

Маълумки, мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда янги давлат, янги жамият барпо этишга қаратилган ислоҳотлар бошланди. Энг муҳими, ана шу ислоҳотлар шошма-шошарлик билан эмас, балки узоқни кўзлаган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилди. Юртбошимиз юқоридаги маърузасида бу хусуда шундай таъкидлаб ўтди: **“Мамлакат инқилобий йўлдан эмас, тадрижий йўлдан ривожланиши керак. Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, ҳар қандай инқилобий йўл ҳамиша халққа зулм ва зўравонлик, қон тўкиш ва талофатлар келтирган”.**

Дарҳақиқат, бизнинг бу борада танлаган йўлимиз аниқ, мақсадимиз эзгу. Бугун юртдошларимизнинг дилида ва тилида бўлган биргина “Ислоҳотлар — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун” деган ҳаётий шиорнинг ўзидаёқ ана шу эзгу мақсадларимиз мазмун-моҳияти мужассам.

Сир эмас, собиқ тузум инқирозга юз тутгач, Ўзбекистон жар ёқасига келиб қолган эди. Зеро, Президентимиз ўз маърузасида **“ўша қалтис ва мураккаб даврда юртимизда бор-йўғи ўн-ўн беш кунга етадиган буғдой ва ун захираси қолгани, мамлакат амалда очарчилик остонасига келиб қолгани”**ни бежизга эсламади. Шу боис энг биринчи галдаги чора-тадбирлар аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилди. Бу эса халқ орасидаги “Аввал таом, кейин калом” деган мақолга ҳамда тараққиётимизни таъминловчи “Аввал иқтисод, кейин сиёсат” деган машҳур тамойилга мувофиқ иш бўлди. Ўз навбатида давлатнинг иқтисодий қудратини юксалтиришга қаратилган навбатдаги қатор ислоҳотлар ҳам ана шу тамойил асосида амалга оширилди.

Албатта, фаровон жамият, кучли ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, юртда инсон манфаатлари устиворлигини кафолатлаш учун нафақат қонунлар қабул қилиш, балки уларнинг ижросини таъминловчи тизим фаолиятини қайта ислоҳ қилиш ҳам зарур бўлади. Ана шу ҳаётий талаблардан келиб чиқиб, мустақилликнинг дастлабки йилларида халқаро ҳуқуқий меъёрларга мос Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ўта муҳим тарихий воқеа бўлди. Шунингдек, кейинги йилларда мамлакатда икки палатали парламент фаолиятининг йўлга қўйилгани ҳам қонун ижодкорлиги ва ижроси борасидаги муваффақиятларимиз салмоғини янада юксалтирмоқда. Қолаверса, давлат ва жамият бошқаруви соҳасини олайлик. Бугун давлатнинг юқори органларига тегишли ваколатлар босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият, ўзини ўзи бошқариш тизими зиммасига ўтказиб борилмоқда. Хўш, бу нимани англатади? Бу, аввало, давлат ва жамият ишларида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлайди, ҳар бир юртдошимизнинг фаровон ҳаёт кечириши, ўз орзу-истакларини эркин рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратади. Натижа-чи? Натижа кутилгандан ҳам зиёда бўлмоқда. Жойларда маҳалладошлар ўзлари сайлаб қўйган фуқаролар йиғинлари раислари билан бамаслаҳат ҳамда бевосита уларнинг кўмаги билан ўз муаммо ва ташвишларига ечим топяпти. Бугун юртимизда амалга оширилаётган кўплаб ҳайрли ишларнинг ташаббускори, бажарувчиси айнан ўзини ўзи бошқариш тузилмалари бўлаётгани ҳам қувонарли ҳол.

Бинобарин, айни пайтда аграр соҳасидаги ислоҳотлар самараси ҳам Ўзбекистон тараққиётини таъминловчи муҳим омиллардан бири бўляпти. Энг асосийси, истиқлол йилларида пахта яккаҳокимлигига барҳам берилиб, ғалла мустақиллигига эришдик. Бугун нонимиз ҳам, донимиз ҳам ўзимизники! Аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам заминимизда етиштирилмоқда. Бу муваффақиятлар асоси аввало Президентимиз томонидан фермерлик ҳаракатининг йўлга қўйилиши билан боғлиқ бўлди. Натижада ер ҳақиқий эгасини топди, ҳосилдорлик юксалди, ерга муносабат ўзгарди, мулкдорлар қатлами шаклланди. Албатта, бундай туб ўзгаришлар бошқа соҳалар тараққиётига ҳам ҳисса қўшмоқда. Жумладан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бунёдкорлик, ободончилик ишларида бугун саховатпеша, ҳимматли ҳомий сифатида ташаббус билан чиқаётганлар сафида фермерларнинг ҳам кўплиги мақтанишга арзугулик ҳолат. Ўз навбатида хусусий мулк тушунчасининг ҳаётимизга кириб келишини ҳам истиқлол берган имконият сифатида баҳолашимиз, эътироф этишимиз жоиз.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда истиқлол йилларида давлат томонидан аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати юритилар экан, бу жараёнда эҳтиёжманд юртдошларимизнинг моддий ва маънавий жиҳатдан тўкис ҳаёт кечиришлари учун ижтимоий ёрдам кўрсатиш баробарида, энг асосийси — уларнинг боқимандалик кайфиятига тушиб қолмаслигига жиддий эътибор қаратилди. Аниқроқ айтганда, ижтимоий ночор оилалар ёхуд муҳтож фуқароларга беминнат ёрдам кўрсатишда даставвал уларнинг оилавий шароити, имкониятлари ўрганиб чиқилиб, сўнгра мурувват кўрсатиляпти. Кам таъминланган оилаларга қорамоллар туҳфа этилиши, имтиёзли кредитлар ажратилиши, ёш оилалар учун имтиёз ва имкониятлар яратишга қаратилган ислоҳотлар шулар жумласидан.

Бундан ташқари, Президентимиз ўз маърузасида таъкидлаб ўтганидек, бугунги кунда юртимизда меҳнат бозори шаклланган: мустақиллик йилларида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилгани бунинг тасдиғи. Қолаверса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида касаначиликнинг ривожлантирилиши юртимизда ҳунарли, билимли, ишбилармон инсон ҳеч қачон ишсиз қолмаслигини яна бир карра тасдиқлади.

Хўш, бугун хотин-қизларнинг уйда ўтириб, яъни уй-рўзғор юмушлари ва фарзандлари тарбиясидан ажралмаган ҳолда моддий даромад топиши, бунинг устига, бу турдаги фаолияти расмийлаштирилиб, иш стажига эга бўлиши тажрибаси қайси бир давлатда оммалаштириляпти? Умуман, фуқароларнинг келажаги учун қайси бир давлат бу қадар қайғура олади?

Сир эмас, орамизда танлаган тараққиёт йўлимизни кўролмайдиган, амалга оширилаётган ислоҳотларга кўр-кўрона ғов бўлишни истовчи баъзи бадниятлар кимсалар ҳам топилади. Улар юртда амалга оширилаётган бунёдкорлик, яратувчанлик руҳидаги ишлар олдида кўз юмадилар-у, барча давлатда, барча жамиятда бўлгани сингари баъзи бир камчиликлар, ҳали ечимини тўлиқ топиб улгурмаган муаммолар хусусида пашшадан фил ясашга уринадилар.

Яқинда пойтахтимиздаги маҳаллалардан бирида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида йиғин оқсоқоли шу хусусда сўз юритар экан, фикрини қуйидагича асослади:

— Юртимиз, халқимиз собиқ тузум даврида қарамликда неча йил ҳаёт кечирди, ўша даврда охир-оқибат оғир, аянчли ҳолга тушиб қолишимиз учун қанча вақт керак бўлди? Етмиш йил-а!.. Шундай экан, атиги 16 йил ичида оёққа туриб, нафақат оёққа туриб, балки қаддини мағрур кўтариб олган Ўзбекистондан, унинг раҳбари, раҳнамосидан ҳар қанча фахрланса, миннатдор бўлсак, шунча кам.

Ҳа, атиги 16 йил ичида мустақил ва навқирон Ўзбекистон эришган ютуқлар асрларга татигулик. Ўз навбатида баъзи бир камчиликлар, муаммоларимиз мавжуд бўлса ҳам, жилла қурса, улар эътибордан, бажарилиши лозим бўлган ишлар, чора-тадбирлар қаторидан четда қолаётгани йўқ. Бу эса озод ва обод Ватанимиз истиқболи яқин йилларда бундан ҳам фаровон, бундан ҳам буюк бўлишидан далолат беради.

**Фаррух БЎТАЕВ**

***Юртимизнинг барча жойларидаги каби Норин туманида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътирофга лойиқ. Яқинда туман ҳокимлиги, “Маҳалла” ҳамда “Нуроний” хайрия жамғармалари туман бўлинмалари яна бир хайрли тадбирга бош-қош бўлишди. Уларнинг ташаббуси туфайли фидокорона меҳнатлари билан мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшган норинлик 24 нафар меҳнат фахрийси она Ватанимизнинг диққатга сазовор жойларида саёҳатда бўлиб қайтдилар.***

# „ТААССУРОТлар КЎНГЛИМИЗни ТОҒДЕК КЎТАРДИ“ —

## дейди Самарқанд — Тошкент сафарида бўлиб қайтган бир гуруҳ фахрийлар

Кўпни кўрган, ҳамон эл-юрт қувончу ташвишлари билан ҳаёт кечираётган отахонларнинг сафар давомида олган таассуротлари, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ҳақидаги эътирофлари билан танишиб, истиқлол давридаги ислоҳотлардан қалбингиз яна бир бор ифтихорга тўлади.

**Тўламирза РАҲМОНЧАЕВ:** — Маҳалламизга ўн йил аввал келган арабистонлик меҳмон бу йил яна ташриф буюриб, ўзгаришлардан ҳайратга тушгани бор гап. Истиқлол берган шарофатлардан мени энг қувонтирадигани бу — халқимизнинг ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлганидир. Энди муаммоларимизни ҳал этиш учун кимларнингдир олдида бош эгмаймиз.

Узоқ йиллар сув ва ердан нотўғри фойдаланиш натижасида ерларимиз зах тортиб кетган эди. Биргина мурожаатимиз билан ажратилган маблағ ҳисобига зах балосидан қутулдик. Бир пайтлар экин униши даргумон бўлган ҳовлиларимизда яна боғ-роғлар гуркиради. Ҳаққулобод обод ва кўркам шаҳарга айланди. Сафар давомида қундан-кун чирой очиб бораётган маҳаллаларимизни, янги барпо этилган коллеж, мактаб, спорт майдончалари, гузарлар, қолаверса, бир-биридан кўркам шахсий хонадонларни кўриб, истиқлолга шукроналар келтирдик.

**Шермуҳаммад НУРИДДИНОВ:** — Уйчи, Наманган, Чуст, Тўрақўрғон, Поп туманлари ва вилоят марказидаги улкан ўзгаришларни кўриб, беихтиёр шодланиб кетасан киши. Бошқа жойларни қўя туринг, мамлакатимизда нақадар катта бунёдкорлик ишлари олиб борилганини кўриш учун биргина Қамчиқ довонидан ўтишнинг ўзи кифоя қилар экан. Шубҳасизки, қисқа муддатда баҳайбат тоғлар бағридан йўл очиб, мисли кўрилмаган даражада улкан ишларни уддалаган бунёдкор эл бундан-да юксак марраларни ҳам забт этишга қодир.

**Назиржон РАҲМОНОВ:** — Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳудудидан ўтар эканмиз, бу ерларда олиб борилаётган ишлар ҳам бошқа жойлардагидан кам эмаслигига гувоҳ бўлдик. Ватанимиз келажаги бўлган ёшларнинг билим олишлари, спорт билан шуғулланишлари учун бир-биридан гўзал ўқув масканлари, спорт иншоотлари қад кўтарибди. Уларни кўриб, ёшларимизга ҳавасимиз келди. Аввалги тор ва қоронғу синфхоналар билан бугунги барча қулайликларга эга бўлган ва замонавий жиҳозланган аудиторияларни асло солиштириб бўлмайди.

**Камолиддин ҲАМРОҚУЛОВ:** — Мен Самарқанд шаҳрида бундан бир неча йиллар аввал бўлгандим. Тўғриси, сайқал берилган тарихий обидалардан ташқари бирорта кўча ёки маҳаллани таний олмадим. Қадимий шаҳарда шунчалик катта ишлар амалга оширилганки, таърифга сўз ожизлик қилади. Биз кўҳна шаҳарнинг янги обод этилган жойлари билан танишдик, тарихий обидалари ва қадамжоларини зиёрат қилдик. Бир пайтлар қаровсиз ётган кўҳна иншоотлар ҳам таъмирланиб, янада кўркамлашибди.

**Эсонбой АҲМЕДОВ:** — Мамлакатимиз пойтахти Тошкентга кириб борар эканмиз, кенг ва равон кўчаларни тўлдириб юрган ўзимизда ишлаб чиқарилган автоуловларга, бир-бирини такрорламайдиган, мураккаб услубда қурилган замонавий кўприкларга қарасанг, бошдан дўппинг тушадиган осмонўпар биноларга боқиб, ҳайратимиз ортди. Мустақиллик майдонида эса қалбимиз ифтихорга, кўзларимиз эса қувонч ёшларига тўлди. Пешин намозини Юртбошимиз ташаббуси билан қайта таъмирдан чиққан, бутунлай янги қиёфа касб этган Ҳазрати Имом масжид-мажмуасида ўқишга муяссар бўлдик. Тошкент Ислом маданияти пойтахти деган юксак шарафга бежиз лойиқ топилмаган экан. Хуллас, юртимизнинг қайси бир жойида бўлмайлик, тарихан қисқа давр мобайнида халқимиз эришган ютуқлардан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Сафар қатнашчиларининг қалб изҳорлари билан танишар эканмиз, Президентимизнинг яқинда нашрдан чиққан “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” номли китобидаги **“...тарихий даврда доимо елкама-елка туриб, қандай улкан ва олижаноб ишларни амалга оширганмиз, буюк келажагимиз пойдеворини ўз қўлимиз билан барпо этаётганимиз барчамизга ҳар қанча фахрланиш, босиб ўтган йўлимизни миннатдорлик билан эслаш учун асос беради. Ишончим комилки, Ватанимиз истиқболини ўйлаб бошлаган барча улуғ ишларимизни албатта, охирига етказамиз. Ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга эришамиз, иншоаллоҳ”,** деган сўзлари ёдга тушади.

Ҳа, бугунги дориломон кунлар шукронасини қилиш, Ватан манфаати, тараққиёти йўлида фидойилик намуналарини кўрсатиш, каттаю кичикни ҳамжиҳатликка чорлаш барчамизнинг ягона мақсадимизга айланмоғи лозим. Зеро, Юртимиз равнақи ёруғ келажагимиз гаровидир.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ**

***Қибрайлик Гўзалхон Шукурованинг деҳқон-фермер сифатида фаолият юрита бошлаганига етти йил тўлди. Шу қисқа муддат давомида у ўз фаолиятида муваффақиятга эришибгина қолмай, ўнлаб аёлларни ортидан эргаштирди. Айни кунда у Қибрай тумани “Ташаббускор аёл” маркази раҳбари ҳамдир.***

Тошкент вилояти

Гўзалхон бошқараётган фермер-деҳқон хўжалиги ҳудудидаги канал тозалангач, анчамунча тупроқ уюлиб қолганди. Ёз фасли давомида унинг ташаббуси билан ана шу тупроқдан хом ғишт қуйилиб, молхона ва емхона қурилди, ночор оилаларга арзон нархда сотилди. Бундан ташқари, хўжаликда кичик новвойхона ишга туширилиб, бу ерда ёпилган бўрсилдоқ нонлар хўжалик аъзоларининг оилаларига бепул тарқатилмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** *Гўзалхон Шукурова хўжалик ишчиси Рихситилла Абдуллаев билан янги қуйилган ғиштларни кўздан кечирмоқда;*

*кичик новвойхонада ҳамиша иш қизғин.*

**Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.**

Қашқадарё вилояти

# НУРОНИЙЛАР – САФАРДА

***Яккабоғ туманида истиқомат қиладиган бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳри бўйлаб икки кунлик саёҳатда бўлишди. Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур сафарга Муборак газни қайта ишлаш заводи маъмурияти ҳомийлик қилди.***

Саёҳат давомида фахрийлар истиқлол йилларида пойтахтда рўй берган беқиёс ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўриб, Мустақиллик майдонида жойлашган Мустақиллик монументи ҳамда “Мотамсаро Она” ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Шунингдек, улар яқинда таъмирдан чиқарилган ва буткул ўзгача қиёфа касб этган Ҳазрати Имом мажмуаси, Шаҳидлар хотираси майдони ва Зангиота ёдгорликларига ҳам ташриф буюриб, Юртбошимиз ташаббуси билан бу масканларда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлишди. Айниқса, қайта таъмирланган тарихий ёдгорликларнинг янгича қиёфа касб этгани нуронийларда катта таассурот қолдирди.

**Б.АЗИЗОВ**

Муносабат

***Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида истиқлол йилларида халқимиз эришган қўплаб муваффақиятлар қаторида ташқи сиёсат масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, “ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш тизимининг парчаланиши натижасида жамиятда ҳуқуқий бўшлиқ вужудга келгани, миллатлар ва динлараро, ҳудудий ва турли гуруҳлар, уруғ-аймоқлар ўртасидаги зиддиятларнинг авж олиб кетиши хавфи, радикал кайфиятларнинг айниқса ёшлар ўртасида кучайиши юзт жиддий хатарга айланган эди» (И.Каримов). Мамлакат хавфсизлиги масаласи шу қадар кескин бўлиб турган ана шундай қалтис вазиятда мустақил давлатнинг ташқи сиёсатини шакллантириш нечоғли мураккаб иш бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.***

***Таъкидлаш жоизки, мустақиллик давригача республика Ташқи ишлар вазирлиги аппаратида бор-йўғи 10-15 нафар ходим бўлиб, улар номигагина вакиллик вазифаси ҳисобланган ишлар, яъни протокол мажбуриятлари ва турли тадбирлар, асосан чет эллик меҳмонларни қабул қилиш билан шуғулланарди, холос.***

**Ислом КАРИМОВ**

# ИЗЧИЛЛИК ВА ҚАТЪИЯТ

Аслида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини йўқдан бор қилиш керак эди. Қайси мамлакат билан қандай муносабат ўрнатилади, қай даражада сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик қарор топтирилади, долзарб халқаро муаммоларга қандай муносабат билдирилади? Шулар каби қўплаб ўта мураккаб саволларга тезкорлик билан энг мақбул жавобларни топиш зарур эди.

Буларнинг барчаси вазифанинг бир қисми эди, холос. Яна бир ғоят муҳим вазифа ҳам бор эдики, бу — бир томондан, мамлакатимизни ўз йўриғига солмоқчи бўлган «хайрихоҳ» ва «раҳнамо»ларнинг «доно маслаҳатлари» ва «тавсиялари»га, иккинчи томондан, кун сайин кескинлашаётган таҳдидларга – экстремизм ва терроризмга жавоб топишни тақозо қиларди.

Демак, пухта ўйлаб, узоқни кўзлаб, миллий манфаатларга зиён етказмасдан, хавфсизлик масалаларини бир зум эътибордан четда қолдирмасдан иш тутиш талаб қилинар эди.

Шу боис қисқа фурсатда ташқи сиёсат ва ташқи савдо соҳасида иш юритадиган муассасалар – Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар қўмитаси (ҳозир – Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги), Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари томонидан ташқи сиёсатнинг, кенг қамровдаги халқаро муносабатлар тизимига интеграциялашишнинг устувор йўналишлари белгиланиб, қўплаб давлатлар билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди, сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик имкониятлари ўрганила бошланди.

Албатта, дипломатик кадрлар танқислиги яққол сезиларди. Зеро, шўро даврида юртимизда дипломатия тушунчаси қўпчилик учун нотаниш эди. «Болам дипломат бўлади», деган отаонани учратиш қийин эди. Дипломатликни биров ҳатто орзу ҳам қила олмасди. Шунинг учун ҳам жуда қисқа вақт ичида «дипломатик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими яратилди». Президентимиз Фармони билан 1992 йили Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилди. Ҳозир ушбу таълим даргоҳининг ҳузурида дипломатик академик лицей, гимназия ва қўплаб бошқа марказ ва тузилмалар фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, қўплаб олий ўқув юртларида халқаро муносабатлар кафедралари очилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларараро тадқиқотлар институти, Сиёсий тадқиқотлар маркази фаолият кўрсатмоқда.

Хуллас, бугун Ўзбекистоннинг ўз дипломатия мактаби бор, дейиш учун барча асослар етарли. Ёшларда дипломатликка қизиқиш шаклланиб, иштиёқ кучайди ва энг муҳими, ўз орзусига етишиш имкониятлари пайдо бўлди. Бугун дунёнинг кўплаб давлатларида — Ўзбекистоннинг ўз элчихоналарида, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ваколатхоналарида юзлаб малакали кадрларимиз фаолият кўрсатмоқда. Хорижда мамлакатимизнинг 48 дипломатик ваколатхонаси бор.

Бу хусусда гап кетар экан, дипломатик сервис хизмати ҳам Ўзбекистон учун мутлақ янги институт бўлганини таъкидлаш жоиз.

Мустақилликка қадар Ўзбекистонда бирорта ҳам хорижий давлат элчихонаси йўқ эди. Биз хорижлик элчилардан Соҳибқирон бобомизнинг ҳузурига Испания қиролидан вакил бўлиб келган Клавихони билар эдик, холос... Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 86 элчихона ва савдо ваколатхонаси аккредитация қилинган.

Бугун дипломатларимиз Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига оид вазифаларни муваффақият билан бажармоқда. Бу борадаги энг сўнгги йирик натижалардан бири Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш ташаббусининг амалда ўз ифодасини топганидир. 2006 йил 8 сентябрда Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари шу ҳақдаги шартномага имзо чекдилар. Албатта, бундай стратегик келишувлар давлат раҳбарларининг учрашувларида кўриб чиқилади, лекин келишувнинг амалий жиҳатларини дипломатлар бажаради.

Гап ўз-ўзидан халқаро журналистика соҳасига келиб тақалмоқда. Мустақилликка эришганимиздан кейин қатор мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда мухбирлик пунктларини очди. Олис-олис мамлакатлардаги одамлар тезкор янгилик ва ахборотлар орқали юртимизда ўтаётган йирик тадбирлардан, улкан ўзгаришлардан воқиф бўлмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ўзида миллий журналистика туб ўзгаришларни бошдан кечирди. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида халқаро журналистар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бугунги ўзбек журналистлари замонавий ахборот технологияларидан эркин фойдаланган ҳолда хориждан туриб, ёзма ва мультимедик янгиликларни тезкорлик билан узатади. Ўзбекистон матбуоти ва телерадиоси бугун халқимизни дунёда юз бераётган энг сўнгги воқеалардан, долзарб янгиликлардан хабардор этмоқда. Илгари саноқлигина бўлган шарҳловчи, таҳлилчи ва сиёсатшуносларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Қисқаси, халқаро журналистика ҳам тўла шаклланди.

Мамлакатимизнинг қулай геосиёсий ўрни, унинг биринчи навбатда ўз миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда олиб бораётган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, мустақил ва изчил ташқи сиёсати давлатимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши унинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб боришини таъминлади.

Ҳа, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг нуфузи тобора ортмоқда. Бунда давлатимизнинг мустақил, оқил ва одил ташқи сиёсати, БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар ишида фаол қатнашаётгани муҳим ўрин тутади. Айни пайтда юртимиздаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, барча соҳаларда юз бераётган туб янгиланишлар, улкан бунёдкорлик ишлари ҳам хорижда Ўзбекистонга қизиқиш ва эътиборни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон сиёсатининг ўзига хослиги ундаги изчиллик ва қатъиятдир. Давлатимиз ўзга давлатга ёки давлатлар гуруҳига қарши қаратилган блокларга қўшилмайди. Қатъият борасида эса, Президентимиз Ислом Каримовнинг бир неча йиллар аввал айтган гапини эслаш кифоя: «Ўзбекистон шамол ё оқим билан силжиб юрадиган айсберг эмас.» Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари юритаётган ташқи сиёсат замирида ҳамиша бир мақсад мужассам – Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати. Буни Президентимиз ўз маърузасида яна бир бор алоҳида таъкидлади: «Бизнинг бу соҳадаги барча қадам ва ҳаракатларимиз фақат ана шу эзгу мақсадни амалга оширишга қаратилган».

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

Йил дастури ижроси — амалда

# СОВҒАГА "ISUZU" АВТОБУСЛАРИ

***Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрами арафасида Навоий, Бухоро, Хоразм ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган "ISUZU" автобуслари совға қилинган эди. Яқинда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасидаги мазкур тадбирнинг иккинчи босқичи амалга оширилди. Бу сафар замонавий автобуслар Фарғона, Андижон, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва пойтахтдаги 84 та муассасага топширилди.***



Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги 18-таянч мактабга ҳам автобус совға қилинди. Бу ерда 200 та бола тарбияланади.

**Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.**

**Самарқанд вилояти**

***Булунғур туманидаги Меҳтар маҳалласида тадбиркор инсон Абдуолим Бердиевнинг ташаббуси билан болалар соғломлаштириш маркази барпо этилди.***

# МЕҲТАРлик САХОВАТ-ПЕША

Марказдан спорт зали, тикувчилик цехи ҳамда компьютер хонаси жой олган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, марказнинг ишга туширилиши бирйўла 15 кишининг муқим иш ўрни билан таъминланишига замин яратди.

Шунингдек, тумандаги 43-мактабнинг эски биноси ўрнида 340 ўқувчига мўлжалланган икки қаватли янги мактаб, Чангал маҳалласида эса иқтисод ва сервис касб-ҳунар коллежи биноси фойдаланишга топширилди.

**Рустам ҲАЙИТОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

Карор ва ижро

# САФДА — ЙИГИТЛАРнинг САРАЛАРИ

***Айни кунларда барча жойларда бўлгани каби Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида ҳам Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 29 августда қабул қилинган "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарорига асосан йигитларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш, улар орасидан ҳар томонлама соғлом, бақувват ёшларни танлов асосида саралаб олиш ишлари қизғин давом этмоқда.***

Шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими Рашид Арамовнинг айтишича, пойтахтимизда навбатдаги — кузги чақирув мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга пухта ҳозирлик кўрилган. Ўтказилган тадбирларда чақирилувчилар ва уларнинг отаоналарига ҳарбий хизмат турлари, аскарлар ҳақ-ҳуқуқи, имтиёзлар, ҳарбий қисм ва билим юртларида яратилган қулайликлар ҳақида зарур маълумотлар берилди. Сафарбарлик чақируви резерви хизмати бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

Бундан ташқари чақирилувчиларнинг оилавий шароити, жисмоний ва маънавий тайёргарлиги ҳамда мослашув имкониятлари ўрганилмоқда. Давлат тест маркази ходимлари билан ҳамкорликда уларнинг билим даражаси синовдан ўтказилаётир.

Август ойидан пойтахтимиз мудофаа ишлари бўлимларида, сентябрдан шаҳар йиғин пунктида чақирув тиббий комиссия фаолият бошлади. Барча замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган йиғин пунктларига малакали шифокорлар жалб этилган.

Таъкидлаш жоиз, ўтган йили шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу ерда синов ва маросимлар ўтказиш ҳамда назоратдан ўтиш жойлари янгидан қурилди. Кўргазмали стендлар ўрнатилди. Миробод ва Учтепа туманлари мудофаа ишлари бўлимлари биноларидаги реконструкция ишлари эса ниҳоясига етмоқда.

Биринчи октябрдан шаҳар ҳокимлиги, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакилларидан иборат шаҳар чақирув комиссияси ишга киришади. Ҳар галгидек, синовлардан муваффақиятли ўтган, соғлиғи ва оилавий шароити талаблар даражасида бўлган чақирилувчилар ҳарбий хизматга тантанали равишда кузатилади.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

Олам турфа

# ТЕЛЕВИЗОРлар ОЛАМИДА НИМА ГАП?

***Биламизки, Японияда техника тараққиёти ҳавас қиларли даражада. Мамлакат мазкур соҳада энг илғор давлатлардан. Бугунги кунда биринчиликни бермаслик учун ҳаракат қилаётган Японияда жуда кўп ихтиролар қилинмоқда.***

"Хитаци" фирмаси дунёда биринчи марта икки экранли телевизор ишлаб чиқарди. Тўғри, ўйлашингиз мумкин, бирданига икки экрандаги кўрсатувни кўриб бўларканми, деб. Йўқ, иккала экран ҳам тенг кўрсатмайди, фақат бири кўрсатади, иккинчиси эса... томошабинган ёққан кўрсатувни ёзиб олади ва исталган пайтда қайтадан кўрсатади.

# ҚОҒОЗ ҒИШТ, ҚОҒОЗ ДЕВОР, ҲАТТО ПОЙДЕВОР ҲАМ ҚОҒОЗДАН

***Японияда қоғоз чиқиндиларидан ғишт, уй деворлари ва бошқа қурилиш материаллари тайёрлаш усули ишлаб чиқилди.***

Унга кўра, дастлаб қоғоз қийқимлари майдаланади, сўнг полиэтилен билан аралаштирилади. Тайёр бўлган суюқлик кучли босим остида турли шаклдаги қолипларга қуйилади. Мутахассисларнинг айтишича, бу материал пишиқликда ёғочдан қолишмас экан. Дарвоқе, айримлар биноларнинг пойдевори учун ҳам шу материаллардан фойдаланса бўлади, дейишмоқда.

Янги технологиянинг афзаллиги унинг иқтисодий самарасидагина эмас, чиқиндилардан қутилишнинг йўли топилганидадир. Бундан ташқари чиқиндиларни ёқиш натижасида атроф-муҳитнинг заҳарли газлардан ифлосланиши ҳам камаяди.

Ислоҳот самараси

**Қашқадарё вилояти**

# ЯНГИ ҚУРИЛМА — ЯНГИ ИМКОНИЯТ

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёқилғи-энергетика соҳасини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшаётган "Шўртаннефтегаз" унитар шўъба корхонасида газдан пропан-бутан аралашмаси олиш қурилмасининг иккинчи навбати ишга туширилди. Мазкур янги технологик мажмуа қуввати йилига 3 миллиард кубометр газни қайта ишлаш ҳамда 50 минг тонна пропан-бутан аралашмаси олишга мўлжалланган.***

Янги қурилманинг бош лойиҳачиси "ЎзЛИТИнефтегаз" лойиҳалаш институти бўлса, уни барпо этиш ва технологик ускуналарни монтаж қилиш бош пудратчи — "Бухорогазсаноатқурилиш" акциядорлик жамияти ҳамда ёрдамчи пудратчилар — "Муборакнефтегазмонтаж" акциядорлик жамияти ва Самарқанддаги "Қурилиштермоизоляция" ихтисослаштирилган бошқармасининг бунёдкор-монтажчилари томонидан амалга оширилди.

— Газдан пропан-бутан аралашмасини олиш қурилмасининг биринчи навбатини ишга тушириш анча қийин кечиб, қарийб бир йил давом этганди, — дейди корхона бош муҳандиси Раҳматулла Ражабов. — Қурилманинг иккинчи навбатини ишга тушириш эса 25 кун ичида ниҳоясига етказилди. Бу юртимизда нефть-газ соҳасининг қанчалик ривож топаётгани, мутахассисларимизнинг малакаси йилдан-йилга ошиб бораётганидан далолат. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қурилмага ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг асосий қисми "Ўзбеккимёмаш" заводида ишлаб чиқарилган. Фақат агрегат турбодетандергина Украинанинг "Турбогаз" акциядорлик жамиятидан келтирилди.

Қурилманинг иккинчи навбати ишга туширилган кунданоқ бир кечакундузда 120 тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарилиб, қайта ишланган газ корхонадаги сиқув-компрессор станциясига узатиляпти.

Дарвоқе, "Шўртаннефтегаз" унитар шўъба корхонасида янги қурилма билан бир қаторда сиқув-компрессор станциясидаги 2 та газ сиқув агрегати ҳам фойдаланишга топширилди. Уларнинг ҳар бири босимни оширган ҳолда йилига 3 миллиард кубометр газни магистрал қувурларга ҳайдаш қувватига эга.

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ**

Маҳалла тизимида кимлар ишлайди?

**Сурхондарё вилояти**

# ЁШ ҒАЙРАТнинг СЕРҒАЙРАТ ОҚСОҚОЛИ

**У маҳалладошлар турмушини фаровон этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда**

***Оқсоқол. Оддийгина жаранглайдиган бу сўз замирида катта маъно, чуқур мазмун мужассам. Негаки, халқимиз соч-соқолига қиров қўнган кишинигина эмас, балки эл-улусга ҳар жиҳатдан намуна бўла оладиган, унинг бошини қовуштириб, қувончу ташвишларига шерик бўла олишдек масъулиятли юмушни елкасига олишга қодир инсонни ана шундай шарафли номга муносиб кўради. Айниқса, мустақиллик йилларида оқсоқоллик мартабасининг қадр-қиммати янада ортди. Шўрчилик Ўрол Шерхонов ҳам оқсоқол номига муносиб кўрилган ва эл ишончини оқлаб келаётган замондошларимиздан бири.***

Ўрол ака Шўрчи туманидаги Совур қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Ёш Ғайрат маҳалласига оқсоқол этиб сайланган кундан бошлаб маҳаллани обод қилиш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишларига астойдил киришиб кетди. Буларни у вазифаси тақозо этгани учунгина эмас, балки қалб амри, маҳалладошларига меҳр-муҳаббати туфайли амалга оширмоқда. Аслида маҳалладошлари шу фазилатлари учун унга ишонч билдириб, оқсоқол этиб сайлаган эдилар. Ўрол ака ҳар ишда аввало ўзи бошқаларга ўрнак бўлишга интилади. Натижада, маҳаллада истиқомат қилаётган юз нафарга яқин тадбиркор ва фермер ҳам хайрли ишлардан четда туришни ўзи учун ор деб билади, оқсоқол билан бамаслаҳат иш тутади.

Йил бошида маҳаллани ободонлаштириш юзасидан ўтказилган мажлислардан бирида фермер Хўшбоқ Эшназаров кўча бўйларига ўтқазиш учун кўчатларни ўз ҳисобидан олиб бермоқчилигини айтди. Дарҳақиқат, фермер сўзида собит турди. Кўклам келганда 324 туп арча, 2800 туп мевали дарахт кўчатларини олиб берди. Ёш Ғайратнинг Раззоқ Жўраев, Зиёдулло Сафаров, Шараф бобо Ҳаққулов каби саховатпеша инсонлари ҳар йили даромадининг бир қисмини хайрли юмушларга сарфламоқда. Жорий йилда маҳалланинг тўққизта ички кўчасидан иккитаси фуқаро Эркин Норматовнинг ҳомийлик маблағи ҳисобидан таъмирланди.

Аҳоли табиий газ билан тўқсон фоиз, тоза ичимлик суви билан эса тўлиқ таъминланган. Маҳалланинг равон кўчаларидан ўтиб борган сари инсонларни меҳр-оқибатга, эзгуликка чорлаб турувчи лавҳалар, анвойи гулларга бурканган гулзорлар, тунда кўчаларни чароғон этувчи чироқлар дилни яйратади.

Ўрол Шерхонов оқсоқол бўлиб сайлангандан буён маҳаллада савдо дўконларининг сони ўнтадан ортди. Зиёдулло Тоштемиров ва Рустам Шерхонов енгил автоуловларга техник хизмат кўрсатадиган шахобча ташкил этиб, маҳалла ёшларининг саккиз нафарини доимий иш билан таъминлашди. Йўлдош Холиқуловнинг темирчилик устахонасида ишлаб чиқарилаётган асбоб-ускуна ва рўзғор буюмлари нафақат қишлоқда, балки тумандаги бошқа маҳаллаларда ҳам харидоргир. Абдураҳим Саъдуллаев ҳамда Тўлқин Тешабоевларнинг ёғоч тилиш корхонаси эса янги иморат қураётганларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилди. Шунингдек, ҳудудда ташкил этилган бешта тегирмон, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларида 53 нафар йигит-қиз ижтимоий фойдали меҳнат билан банд.

— Маҳалламизда кам таъминланган, ногирон ва ўзгалар парваришига муҳтож кишиларнинг сони 37 нафарни ташкил этади, — дейди Ўрол Шерхонов. — Уларнинг ҳар бири ижтимоий муҳофазага олинган. Ҳомийлар томонидан кам таъминланган оилаларнинг бештасига бир бошдан қорамол ҳадя қилинди.

Аҳиллик, меҳр-оқибат бўлган жойда ўксик қалблар тоғдек кўтарилади, ҳаётда фаровонлик бўлади. Инсонларни ана шундай турмуш кечиришга ундаш ва уларга бош-қош бўлишда эса Ўрол Шерхоновга ўхшаган серғайрат оқсоқолларнинг ҳиссаси беқиёсдир.

**Омон ШУКУРОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

**Жиззах вилояти**

***Бугунги тўкин-сочинлик, пишиқчилик пайтида мева-сабзавотларни консервалаб, қуритиб, қишга ғамлаганга не етсин. Зомин туманидаги "Ғазалкентмева" қўшма корхонасида консерва ишлаб чиқариш замонавий компьютерлашган технологияларда амалга оширилади.***



Бу ерда ишлаб чиқарилган ўн турдан ортиқ маҳсулотлар нафақат юртдошларимиз дастурхонини безайди, балки хорижга ҳам экспорт қилинади.

**СУРАТЛАРДА:** *корхона ишчиси Аломат Деҳқонова ва оператор Умид Рўзиев.*

**Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.**

Маҳалла ва ХУМШ ҳамкорлиги

**Тошкент шаҳри**

# НАВБАҲОРнинг иши — НАМУНА

**ширкат маҳалла аҳлига намунали хизмат кўрсатмоқда**

***Чилонзор туманидаги Навбаҳор маҳалласида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш юқори даражада йўлга қўйилган. Бунда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган ҳудуддаги 12 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг фаолияти эътиборга лойиқ. Хусусан, ширкат ходимларининг саъй-ҳаракати билан кўпқаватли турар-жой биноларида ободончилик, тозалаш ишлари олиб борилмоқда.***

Маҳалла кўчалари таъмирланиб, кўпқаватли бинолар йўлагига 154 та ўриндиқ ўрнатилди. Шунингдек, "Ўзтелеком" компанияси кўмагида кўпқаватли уйлар йўлакларининг кириш эшиклари темир эшиклар билан алмаштирилди.

Навбаҳор маҳалласидаги ширкатларнинг намунали фаолияти туман ҳокимлиги томонидан ўтказилган кўрик-танловда алоҳида эътироф этилиб, маҳалладаги 38-уй "Намунали уй" деб топилди. Шу билан бирга йиғиндаги йўлак бошлиқларининг фаолияти ҳам беэътибор қолгани йўқ. Жумладан, ўз вазифасини сидқидилдан бажариб келаётган 2-йўлак бошлиғи Роза Дубабихина туман ҳокимлиги томонидан рағбатлантирилди.

Айни пайтда йиғин ҳудудидаги ширкатлар томонидан аҳоли турар-жой биноларини қишки мавсумга тайёрлаш ишлари олиб бориляпти. Айниқса, бу борада "Шижоат коммуналчи" ХУМШнинг раиси Собир Орипов бошчилигида амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз. У ширкатга қарашли ҳар бир уйнинг обод, саранжом-сариштa бўлиши, коммунал тизимда рўй берадиган носозликларни дарҳол бартараф этиш йўлида жонбозлик кўрсатмоқда.

Навбаҳорда кам таъминланган ва кўп болали оилалар, якка-ёлғиз қариялар ва ногиронларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳим вазифалардан бири. Ана шу мақсадда ҳудудда турли тадбирлар, байрам кечалари уюштириш анъанага айланган. Яқинда Юртимиз мустақиллигининг 16 йиллик шодиёнаси муносабати билан туман ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ҳамда туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган тадбирга бир қанча саховатпеша маҳалладошларимиз яқиндан ёрдам кўрсатишди. Тадбир сўнгида эҳтиёжманд оилаларга ҳомийлар томонидан совғалар улашилди. Дарвоқе, ушбу тадбирга, яъни маҳаллада яшовчи эҳтиёжманд инсонларни қўллаб-қувватлаш учун Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳам ўз ҳомийлик ёрдамини ажратди.

**Холида СУЛАЙМОНОВА**

Сўранг, жавоб берамиз!

***Савол:***

## СОҒЛИҒИМГА ЗИЁН ЕТДИ...

*Мен меҳнат қиладиган ташкилот тарқатиб юборилиб, ўрнида бутунлай бошқа муассаса ташкил этиладиган бўлди. Тарқатиб юборилаётган ташкилотга қарашли жиҳозларни бинодан олиб чиқиш пайтида беҳосдан йиқилиб, соғлиғимга зиён етди. Юридик шахс сифатида тугатилган ташкилот энди соғлиғимни тиклашим учун моддий маблағ ажратолмайди. Шу ҳолда кимга мурожаат қилишим керак?*



***Жавоб:***

## ЗИЁННИ ҚОПЛАШ ҲУҚУҚИЙ ВОРИС ЁКИ ДАВЛАТ ЗИММАСИДА

**Ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс қайта тузилган тақдирда, тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти унинг ҳуқуқий вориси зиммасида бўлади. Зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабнома ҳам унга тақдим этилади.**

**Ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлган, қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қайта ташкил этилаётган юридик шахсда маблағ бўлмаган ёхуд етарли бўлмаган тақдирда, ундирилиши лозим бўлмаган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан тўланади. Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур суммалар давлат томонидан тўланади.**

**Ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс тугатилган тақдирда, тегишли тўловлар уларни қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга кўра жабрланувчига тўлаш учун капиталлаштирилиши лозим.**

**Тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки йўклиги ёки етарли эмаслиги сабабли тўловларни капиталлаштириш мумкин бўлмаган ҳолларда, белгиланган суммалар жабрланувчига давлат томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тўланади.**

*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1015-моддаси.*

Қашқадарё вилояти

# ЧЕМПИОН билан УЧРАШУВ

***Профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони — ҳамюртимиз Руслан Чагаев Қарши олимпия захиралари спорт коллежи талабалари билан учрашди. Воҳанинг Луиза Ғаниева, Абдулла Кенжаев, Аббос Суннатов ва Гулнора Рўзиева сингари ёш умидли спортчиларига жаҳон чемпионининг махсус жамғармаси ҳисобидан совғалар топширилди.***

Ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишларидан сўнг Руслан талабалар билан суҳбатлашиб, уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

— Ростини айтсам, — дейди жаҳон чемпиони талабалар билан мулоқотда, — коллеж мажмуасидаги шарт-шароитларнинг ривожланган мамлакатлардаги спорт иншоотларидан сира қолишмаслигини кўриб, сизларга ҳавасим келди. Яратилган бундай имкониятлардан фойдаланиб, фақат олдинга интилиш, қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтиш лозим. Ўшанда кўзлаган маррангизга албатта эришасиз.

Мазкур спорт коллежида айни кунда 1077 нафар талаба спортнинг 11 йўналиш бўйича таҳсил олмоқда. Коллеж талабалари миллий кураш ва дзюдо бўйича мамлакатимизда етакчилардан ҳисобланади. Жаҳон чемпиони билан бўлган учрашув ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини янада кучайтириб, уларни янги ғалабалар сари ундаши шубҳасиз.

# ЁШЛАР МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

***Қарши шаҳрида Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази иш бошлади. Ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ёт ва бузғунчи ғояларга қарши мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш, йигит-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, билим олишлари, жамиятнинг турли соҳаларида ўз иқтидорларини намойиш этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш ушбу марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади.***

Маросимда рамзий тасма кесилиб, марказ очилди. Тадбир қатнашчилари "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг вилоят бўлими, ахборот-ресурс ҳамда ахборот-таҳлил ва мувофиқлаштириш, инновация ва илмий-техникавий ижодиёт, ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, касбга йўналтириш ва хорижий тилларни ўргатиш марказлари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Тадбир сўнгида "Келажак овози" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари тақдирланди ва концерт дастури намойиш этилди.

**Э.ҚУРБОНОВ**

Меъморчилигимиз — тарихимиз кўзгуси

# ЯССАВИЙ васиятини бажо айлаган СОҲИБҚИРОН

## Бу васиятга кўра Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасидан аввал Занги ота мақбараси бунёд этилган

***Зангиота меъморий ёдгорлиги Тошкент вилояти Зангиота тумани Зангиота қишлоғида жойлашган. Тошкент—Самарқанд шаҳарлари ўртасидаги қадимги карвон йўли бўйидаги бу тарихий обида Занги ота номи билан машҳур бўлган сўфийлик тарғиботчиси Шайх Ойхўжа ибн Тошхўжа шарафига шундай деб аталган.***

Занги ота ҳозирги кунда унинг номи билан юритиладиган қишлоқда туғилган ва шу ерда подачилик қилиб, кун кечирган. У Хожа Аҳмад Яссавийнинг устози — Арслонбоб Эшоннинг авлодларидан бўлган. Занги ота ўз даврида дин арбоби, сўфийлик таълимотининг тарғиботчиларидан бири ва "Подачилар пири" ҳисобланган. Унинг пири Ҳаким ота, асл исми Сулаймон Боқирғоний ўз замонасининг таниқли сўфийси ва шоири сифатида машҳур бўлган. Занги ота 1258 йили вафот этиб, ўзи туғилган қишлоғида дафн қилинган. Вафотидан сўнг ушбу қишлоқ унинг номи билан "Зангиота" деб атала бошланган.

Ўша замонларда ҳозирги қишлоқ ўрни ва атрофида боғу роғлар, ўрикзору теракзорларнинг кенг майдонлари ҳамда яйловлар бўлган. Бошқа ҳудудлардан аҳоли кўчиб келиши натижасида қишлоқ йилдан-йилга кенгайиб борган.

Буюк аждодимиз, Соҳибқирон Амир Темур Занги ота руҳини шод этиш мақсадида унинг қабри устига мақбара тиклашга фармойиш беради. Халқ орасида мақбаранинг бунёд этилиши билан боғлиқ ривоят тилдан-тилга ўтиб келади. Бу ривоят филология фанлари доктори, профессор Пирмат Шермуҳамедовнинг яқинда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Фан" нашриётида чоп этилган "Мирзо Улуғбекнинг қизи ёхуд Робия Султонбегим қиссаси" номли китобида қуйидагича талқин этилади:

"...Ривоят қилишларича, сафарларининг бирида Соҳибқирон Хожа Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилатуриб, бу ерга вақти келиб мақбара қурдиришни ният қилади. Тез орада Яссида қурилиш ишлари бошланиб кетади. Самарқанддан ғиштлар олиб келиниб, қисқа вақт ичида бинонинг пойдевори тикланади. Кун бўйи оғир меҳнат қилган қурувчилар донг қотиб ухлаб қолишади. Улар эрталаб туриб қарашса, кечаги қад тиклаган пойдевордан номнишон йўқ. Бу ҳол бир неча марта такрорланади. Ва ниҳоят бу ҳақда Амир Темурга хабар қилишади. Салтанат ҳукмдори "пойдеворни туни билан қўриқлаш" ҳақида фармон беради.

Соқчилар туни билан мижжа қоқмай пойдеворни қўриқлашади. Тонг саҳарда бир хўкиз келиб, янги тикланган пойдеворни шохлари билан бузиб ташлайди. Хўкизнинг қўрқинчли важоҳатини кўрган соқчилар нима қилишларини билмай қотиб қолишади.

Бу ҳақда яна Амир Темурга хабар қилишади.

Ҳукмдор ўша хабарни эшитган кечаси ғалати туш кўради.

Тушида унинг олдига бошига оқ салла ўраб, эгнига оқ яктак кийган бир мўйсафид келиб, шундай дейди:

— Эй, Амир, мақбарани аввал Занги ота учун бунёд қил, сўнгра Хожа Аҳмад Яссавийга навбат келади. Ана шунда сен қурган мақбара бузилмайди. Билгинки, Занги отани чақалоқлигида Хожа Аҳмад Яссавийга олиб келиб кўрсатишган ва ундан суюнчи сўрашган. Чақалоқни кўрган Хожа Аҳмад Яссавий шундай деган:

— Суюнчи шулки, мендан олдин мана шу гўдакка мақбара қуринглар.

Оқ соқолли чол ҳикоясини давом эттириб, яна бундай дейди.

— Занги отанинг вафот қилган жойини топиш қийин эмас. Бунинг учун бир оқ туяни олиб, яхши ният билан йўлга қўйиб, орқасидан кузатиб боринглар. У қаерга чўкса, ўша ер Занги отанинг қабри бўлади.

Уйқудан уйғонган Амир Темур оқ туя топтириб, унинг орқасидан уч-тўрт мулозимни кузатувчи қилиб юборади. Туя Шош вилоятининг бир қишлоғига етиб келиб тўхтайди ва юз қадамча сурилиб, бошини қибла томонга қаратади-да, наъра тортиб, жон таслим қилади.



Ушбу воқеа туфайли Занги ота мақбараси қурилиши бошлаб юборилган. Сўнгра Соҳибқирон фармони билан орифлар султони шарафига ҳам ҳашаматли бино бунёд этилган..."

Кейинчалик бу ёдгорлик мажмуининг қурилиш ишлари буюк олим Мирзо Улуғбек томонидан ниҳоясига етказилади. Зангиота мажмуасидаги меъморий обидалар XIV асрнинг охиридан то XX асрнинг бошларига қадар қурилган. Жумладан, Зангиота мақбараси XV асрда, Анбарбиби (Зангиотанинг хотини) мақбараси XV-XVI асрларда, ҳудуддаги масжид 1870 йилда, мадраса XIX асрда, минора эса XX асрда, аниқроғи, 1914-1915 йиллар давомида қурилган.

Кейинги йилларда ҳам Зангиота меъморий мажмуида қўшимча бинолар, хоналар, шийпон, зиёратчилар учун жамоат хоналар, мадрасада таълим олаётган толибларга ётоқ жойлар ва бошқа зарурий бинолар қурилган. Атрофи девор билан ўралган ҳовлига гумбазли дарвозахона орқали кирилади. Мадраса ҳовлисини гир айлантириб дарсхона ва ҳужралар қурилган. Бу ерда Мирзо Улуғбек даврида қурилган пештоқ, дарвозахона, зиёратхона ва гўрхона сақланган.

Зиёратхона билан гўрхона томонлари тенг тўртбурчак шаклида бўлиб, ёнма-ён жойлашган. Ҳар иккаласи ҳам қўш қаватли гумбаз билан ёпилган. Зиёратхонанинг меҳроби кошин билан безатилган. Гўрхонадаги оқ мармар сағанага тош ўймакорлигида нақш ва арабий ёзувлар битилган. Зиёратхона ва гўрхонанинг ичи ва ташқариси ўз даврига мос қилиб нақшланган.

Вақт ўтиши билан бу ердаги тарихий бинолар таъмирталаб бўлиб қолган ва вақти-вақти билан аҳоли томонидан таъмирланиб турилган. 1870 йили Зангиота қозиси томонидан бу ерда масжид қурилиб, унинг деворлари турли ранглар билан безатилган, суралар битилган. Масжиднинг ички деворларига Маккани тасвири ўйиб ишланган.

Мақбара ва унинг атрофидаги тарихий-меъморий бинолар, қабртошлар ва ундаги ёзувлар 1875 йилда Казбеков, 1876 йилда Хорошхин, 1903 йилда Смирнов, 1927 йили Массон каби ўлкашунос ва қадимшунос олимлар, кейинроқ таниқли ўзбек қадимшуноси Яҳё Ғуломов томонидан илмий асосда ўрганилган. Бу тарихий-меъморий обидалар қайта-қайта ўрганилиб, илмий мақолалар, рисолалар ёзилган. Дастлабки маълумотлар "Туркистон вилоятининг газети" ҳамда "Туркестанские ведомости" газеталарида 1875-1903 йилларда эълон қилинган.

Истиқлол йилларида бундай исломий обидалар ўзининг ҳақиқий қадр-қимматини топди, бу ерда таъмирлаш ва биноларнинг асл қиёфасини тиклаш ишлари жадал олиб борилди. Зангиота меъморий мажмуасидаги мақбара дарвозаси тикланди, масжид ва мадраса сифатли таъмирланди, бино ичлари турли нақшлар билан безатилди, сулс ва куфий хатидаги ёзувлар ўз ҳолига келтирилди.

**Рашид БОЙТИЛЛАЕВ**

Истиқлол берган имкон

Бухоро вилояти

# БУХОРО ГИЛАМЛАРИ

## нафақат юртимиз аҳли, балки хорижликларга ҳам манзур бўляпти

***Қадимий ва навқирон Бухоронинг дунёга танитган "Бухоро қоракўли", "Бухоро зардўзи" каби атамалар қаторига яқин келажакда "Бухоро гилами" деган ибора ҳам қўшилса, ажаб эмас. Бундан икки йил муқаддам Буюк Британия тадбиркорлари билан ҳамкорликда ўз фаолиятини бошлаган "Бухоро гилам" қўшма корхонасининг маҳсулотларини кўздан кечирган кишининг дилидан беихтиёр ана шундай ўй кечиши табиий.***

— Кейинги йилларда жаҳон миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, харидорлар сунъий толалардан тўқилган гиламлардан кўра, экологик тоза табиий хомашёдан тайёрланган гиламларни кўпроқ харид қилишмоқда. Шу боис мамлакатимиздаги гилам ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарнинг аксарияти хориждан келтириладиган қўй жунидан асосий хомашё сифатида фойдаланишяпти. Бу эса маҳсулот таннархининг сунъий равишда кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган гиламлар эса қўшни Навоий вилоятининг Томди ва Конимех яйловларида боқилаётган қўйларнинг майин жунидан ҳамда "Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмасининг нейтрон толасидан тайёрланаётганлиги боис анча арзон ва харидоргир, — дейди "Бухоро гилам" корхонаси бош муҳандиси Эркин Тўқсонов.

Корхонада йилига 600 минг квадрат метр ҳажмда жунли ва 400 минг квадрат метр ҳажмда синтетик гиламлар ишлаб чиқарилиб, буюртма асосида мижозларга ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Ички бозорда ўзининг сифатли ва арзон нархдаги гиламлари билан ном қозонган "Бухоро гилам" корхонаси эндиликда маҳсулотининг асосий қисмини хорижга экспорт қилиш борасида иш олиб боряпти. Ҳозиргача Қозоғистон, Россия ва Исроилнинг 7 та йирик фирмаси билан ана шу мақсадда шартнома тузилган. 320 нафар ишчи ва мутахассис меҳнат қилаётган корхона жамоасининг асосий қисмини изланувчан ва билимли ёшлар ташкил этиши эса янада аҳамиятли.

Дизайнер Татьяна ва Игорь Каримовлар ишлаб чиққан нақши нигорли гиламларнинг эскизлари компьютер орқали бошқариладиган тўқув дастгоҳларига кўчирилгач, тайёрланадиган маҳсулотнинг сифати кўп жиҳатдан тўқувчилар маҳоратига боғлиқ бўлади. Насиба Нарзуллаева, Гулжамол Саидова, Илёс Хусенов, Азим Солиҳов, Обид Зокиров каби ишчилар бу юмушни аъло даражада уддалаб, "Жаннатгул", "Ситора", "Садгул", "Бегим" ва "Медуза" каби номлар берилган юқори сифатли гиламларни ишлаб чиқармоқдалар.

Фазлиддин Умуров, Завқиддин Бозоров ва Жасур Латипов каби техник ходимлар эса Германияда ишлаб чиқарилган эски русумдаги 15 та "Текстема-4312" дастгоҳининг 9 тасини модернизация қилиб, компьютер орқали бошқариладиган замонавий тўқув дастгоҳига айлантиришди. Бундан ташқари, синтетик тола билан ишлайдиган "Альфа-320" ва Туркияда ишлаб чиқарилган "HALI TRAS MAKINASI" тўқув ва пардозлаш дастгоҳларининг электрон ускуналарини "Бухоро гилам"даги иш жараёнига мослаштириб, ишчилар меҳнатини анча енгиллаштиришга муваффақ бўлишди.

Айни пайтда қўшма корхона раҳбарияти қўшимча инвестиция жалб этиб, яна бир ип йигирув цехини қуриш ниятида. Шу мақсадда "Пахтабанк"дан ажратилган 2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобидан янги дастгоҳлар сотиб олинди. Ҳозирда корхона фақат жун ва синтетик толаларни бўяшда ишлатиладиган бўёқларни четдан харид қилмоқда. Бироқ ушбу маҳсулотни ҳам ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Бухоро Давлат университети олимлари билан ҳамкорликда иш олиб бориляпти.

Хуллас, "Бухоро гилам" қўшма корхонаси жамоаси қадимий диёримиз гиламдўзлари шуҳратини янада юксалтириш, жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаш учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Mahalla" мухбири.**

Фарғона вилояти

Қўқонлик уста Мирзажон Содиқов ясаган созлар ҳажман кичик бўлса-да, жаранглаб куй таратиши ҳамда сифатлилиги билан аҳамиятли. Ҳозирда уста миллий чолғу асбобларининг кичкина кўринишларини ясашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

**СУРАТДА:** *М.Содиқов (чапда) мухлислар билан суҳбатда.*

**Ш.ҚОРАБОЕВ олган сурат.**

Донолар бисотидан

# СЎЗ ВА СЎЗЛАШ МАДАНИЯТИ ҲАҚИДА

***Очиқ-ойдин сўзламоқлик — озод руҳнинг сифатидир. Бироқ уни бевақт ижро этиш хатарли.***

ДЕМОКРИТ

***Ҳаддан ортиқ шафқатсизлик қилганлар муваффақиятсизликка учрайдилар, ўта мулойимлик эса сени занжирбанд этади.***

СЮН-ЦЗИ

***Сўзамоллик — ақлга сайқал берувчи нур.***

ЦИЦЕРОН

***Ақлли сўз дуру жавоҳирлару тож-тахтдан ҳам қиммат-лироқдир.***

ФИРДАВСИЙ

***Сўз — либос. Маъно — шу либос остига яширинган сир.***

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

Утерянный диплом № 257948 выданный в 2000 г. Чирчикским Высшим танковом командно-инженерным училищем на имя Эргашева Элмурода Мухтаровича считать недействительным.

*Сўзсиз расм...*



***А.ҲАКИМОВ** чизган расм.*

## МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

**ҚЎЙ (21.03-21.04)**

Яқин кунларда атрофингиздагиларнинг танқидига учрашингиз мумкин. Бундай ҳолатларда улардан ранжиш ўрнига хатоларингизни тузатишга ҳаракат қилинг.

**СИГИР(22.04-20.05)**

Сиз учун айни кунлар омадли келиши кутиляпти. Анчадан буён амалга оширишни режалаштираётган ишларга бемалол қўл уришингиз мумкин.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)**

Шу кунларда тушкун кайфиятда бўлишингизга қарамай, шахсий ҳаётингизда рўй бериши кутилаётган қувончли хабар сизга кўтаринкилик бағишлайди.

**КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)**

Айни кунларда иш жойингизда баъзи тушунмовчиликлар юзага келиши мумкин. Лекин кайфиятингизни тушурманг, ҳаммаси тезда барҳам топади.

**АРСЛОН (23.07-22.08)**

Шу кунларда сизга қизиқарли таклифлар тушиши мумкин. Уларни қабул қилишда яқинларингиз билан маслаҳатлашганингиз маъқул.

**ПАРИЗОД(23.08-22.09)**

Муҳим учрашув ва тадбирларингизни яқин кунларга белгилаганингиз маъқул. Оилавий муносабатларда жиддий ва самимий бўлишга ҳаракат қилинг.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10)**

Айни кунларда бошламоқчи бўлган ишларингиз бароридан келади. Бироқ атрофингиздаги инсонлар билан хушмуомала бўлишга ҳаракат қилинг.

**ЧАЁН (23.10-22.11)**

Молиявий жиҳатдан аҳволингизни яхшилаш учун қулай имконият туғилиши кутилмоқда. Уни сарфлашда ақл билан иш тутганингиз маъқул.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12)**

Яқин кунларда катта сарф-харажат қилишингизга тўғри келиши мумкин. Дам олиш кунлари фарзандларингиз тарбиясига жиддий эътибор қаратинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)**

У ишдан бу ишга ўтганингиз билан муаммоларингиз ўз-ўзидан хал бўлиб қолмайди. Шу боис ақл билан уларнинг ечимини топишга ҳаракат қилинг.

**ҚОВҒА (20.01-18.02)**

Ушбу бурж вакилларига хос бўлган қизиқувчанлик шу кунларда қўл келиши мумкин. Пайшанбада иш юзасидан сафарга чиқишингиз эҳтимоли бор.

**БАЛИК (19.02-20.03)**

Айни кунларда хонадонингизнинг жиҳозланишига бироз ўзгартириш киритсангиз фойдадан холи бўлмайди. Бу борада ўз дидингизга ишонинг.

«Маҳалла» жамғармаси Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани бўлинмаси тумандаги Хумсон маҳалласи оқсоқоли Нортожи Каримовга умр йўлдоши **Мамлакат КАРИМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Mahalla

**Таҳрир ҳайъати:**
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 19 сентябрь
38 (588)

11168 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-820 Топширилди — 22.00
2 3 4 5 6